## ЖАҲОН 24 соат ичида

### Мониторинг натижалари



***«Fox News» телеканали хабарига кўра, АҚШнинг Хантингтон шаҳри (Шарқий Вирджиния штати) мамлакатда аҳоли саломатлиги даражаси пастлиги бўйича биринчи ўринда турар экан.***

Маълумотларда келтирилишича, шаҳарнинг 22 фоиз аҳолиси юрак хасталигига чалинган. Ўн уч фоиз одамда эса қандли диабет касаллиги борлиги аниқланган. Ўтган асрнинг 50-йилларида шаҳар аҳолиси 90 минг кишини ташкил этган бўлса, бугунги кунга келиб, уларнинг сони 50 минг нафарга тушиб қолган. Шунингдек, Хантингтонда яшаётганларнинг аксарияти тиш тўкилиши касаллигидан азият чекишади.

Энг соғлом шаҳар сифатида эса Вермонт штатидаги Берлингтон шаҳри эътироф этилган. Бу шаҳарнинг 92 фоиз аҳолиси соғлиғидан деярли шикоят қилмас экан.

### Башорат тасдиқланмади

***Нефть экспорт қилувчи давлатлар ташкилоти (ОПЕК) маълумотларига қараганда, жаҳонда кузатилаётган иқтисодий инқироз сабабли жорий йилда нефтга бўлган талаб анча камайган.***



Бу ҳақда «AFP» ахборот агентлиги хабарида келтириб ўтилди. Гап шундаки, йил бошида ташкилот томонидан 2008 йилда нефтга бўлган эҳтиёж кунига 590 минг баррелгача ошиши тахмин қилинганди. Бироқ ушбу башорат амалда ўзини оқламади. Чунки айни пайтда бу борадаги кўрсаткич 290 минг баррелни ташкил этмоқда.

Шунингдек, ОПЕКнинг сал аввалроқ 2009 йил учун қилган тахминлари ҳам ўзгармоқда. Хусусан, ташкилот келгуси йили «қора олтин» истеъмоли кунига 790 минг баррелгача етишини билдирган бўлса, энди 490 минг баррель атрофида бўлишини башорат қилмоқда.

Маълумот ўрнида айтиб ўтиш жоизки, иқтисодий танглик нефть нархининг кескин тушиб кетишига ҳам сабаб бўлди. 2008 йилнинг ўрталарида бир беррель «қора олтин» 147 АҚШ долларига сотилган бўлса, ноябрь ойига келиб, унинг қиймати 60 АҚШ долларидан ҳам паст баҳоланди.



### Молиявий зарар кўрилгач...

***Жаҳондаги йирик молия муассасаларидан бири «Citigroup» ўз ходимлари сонини 50 минг нафарга қисқартирмоқчи, дейилади «AFP» ахборотида.***

Ташкилот шу йўл орқали 50-52 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги маблағни тежаб қолади. Йил бошида «Citigroup» ходимлари 374 минг кишидан иборат эди. Компания томонидан олиб борилаётган сиёсатга кўра, улар сони 300 мингтагача камайтирилади ва иш ҳақи тўлаш масаласи ҳам қайта кўриб чиқилади.

«Citigroup» биргина 2008 йилнинг учинчи чорагида 2,8 миллиард АҚШ доллари миқдорида зарар кўрди. Йил бошидан буён эса бу борадаги кўрсаткич 20 миллиард АҚШ долларини ташкил этди.

### Ўт балосидан асрасин

***Россиянинг Самара вилоятида иккита кўп қаватли тураржой биносида ёнғин содир бўлди.***



Бу ҳақда «Интерфакс» ахборот агентлиги Самара қидирув-қутқарув хизмати маълумотларига таяниб хабар тарқатди. Бахтсиз ҳодиса туфайли бинодагилар зудлик билан хавфсиз жойга кўчирилди. Ҳозирча ҳалок бўлган ёки жароҳатланганлар тўғрисида бирор маълумот йўқ.

Ёнғин сабаблари ўрганилмоқда.

### Эътиборсизлик оқибати



***Австралиянинг «Qantas» авиакомпаниясига тегишли иккита «Boeing 747» самолёти Мельбурн шаҳри аэропортида бир-бири билан тўқнашиб кетди, дея хабар беради «Associated Press».***

Бахтсиз ҳодиса аэропортнинг учиш майдонида юз берган. Манбада айтилишича, самолётлар техник кўрик бўлимидан олиб чиқиб келинаётганда ходимларнинг эътиборсизлиги туфайли бир-бирига урилиб кетган. Натижада ҳаво лайнерлари таъмирга муҳтож аҳволга келиб қолган.

*Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.*

## БУХОРО ЖОЗИБАСИ

***Сўлим Лабиҳовузнинг шундоқ яқинида "Бухоро-Кавсар" масъулияти чекланган жамиятининг "Султон" деб номланган меҳмонхонаси жойлашган. Бу ердаги ганч ва ёғоч ўймакорлигининг ёрқин намунаси бўлган айвонлар, нақшинкор кошинлар кишини ҳайратга солади. Шарқона жило берилган хоналарнинг замонавий электрон ва маиший техника билан жиҳозлангани ажиб бир манзара касб этган.***

**Сайёҳлик**

Меҳмонхонадан сайёҳлар қадами узилмайди. Сабаби оддий: барча шарт-шароитлар муҳайё, хизмат кўрсатиш даражаси юқори. Дарвоқе, шу йили фойдаланишга топширилган мазкур меҳмонхонада сервис хизмати кўрсатувчилар сонини яқин орада ўттиз нафарга етказиш кўзда тутилаяпти.

Қадимий Бухорода бу каби шинам хусусий меҳмонхоналар йил сайин кўпаймоқда. Жорий йилда учта шундай шарқона кошона барпо этилди. Аввалдан фаолият кўрсатиб келаётган "Азия-Бухара", "Шаҳноза-Нодирбек", "К. Комил" каби хусусий меҳмонхоналарда эса ўринлар сони кўпайди. Натижада шаҳарда бир вақтнинг ўзида 1854 нафар сайёҳни қабул қилиш имкони юзага келди. "Бухоро" меҳмонхонасида бир миллион 890 минг АҚШ доллари миқдорида таъмирлаш ишлари бажарилгани ҳам айни муддао бўлди. Сайёҳлик ташкилотларининг 47 таси интернет тармоғига уланди.

Вилоятда туризмни ривожлантириш бўйича 2008 йилга мўлжалланган тадбирлар дастури асосида амалга оширилаётган бу ишлар ўз самарасини бераяпти. Сайёҳлар оқими кўпайиб, сервис хизмати такомиллашмоқда. Шу йилнинг ўтган даври мобайнида Бухорога 85 минг нафардан зиёд сайёҳ ташриф буюрди. Уларнинг деярли 70 минг нафари хорижликлардир.

"Бухоротурист" ҳиссадорлик жамиятидан бизга хабар беришларича, соҳа мутахассислари жаҳоннинг сайёҳлик ривожланган мамлакатларида бўлиб, ярмаркаларда иштирок этишаяпти. Талаб ва истаклар ўрганилмоқда. Шулар натижаси сифатида "Ekzotik" ва "Camel Stan" дастурлари тайёрланиб, туристик йўналишлар сони иккитага кўпайди. Бухорони йирик сайёҳлик марказига айлантириш йўлидаги қадамлар тобора салмоқли бўлаяпти.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ТЕНДЕР САВДОЛАРИ МУДДАТИНИНГ УЗАЙТИРИЛИШИ ТЎҒРИСИДА ХАБАРНОМА

### ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТОРЛАРГА СОТИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗУВЧИ ДАВЛАТ КОМИССИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 июлдаги ПҚ-672-сонли Қарорига асосан, аввал эълон қилинган тендерлар бўйича таклифларни қабул қилиш муддати узайтирилганлигини маълум қилади.

**Тендер таклифларини қабул қилиш муддати 2008 йил 16 декабрь куни Тошкент вақти билан соат 12.00 да тугайди.**

| Корхонанинг номи | Манзили | Сотиладиган улуш (%) | Бошланғич нархи (минг АҚШ долл.) | Инвестиция мажбуриятлари (минг АҚШ долл.) |
|---|---|---|---|---|
| «Tashkent Palace» МЧЖ ҚК | Тошкент шаҳри | 99,00 | 37 000,0 | 17 160,0 |
| «Ўзнефтгазқудуқтаъмирлаш» ОАЖ | Бухоро вилояти | 23,00 | 5 180,2 | 10 150,0 |
| «Чимбай май» ОАЖ | Қорақалпоғистон Республикаси | 14,24 | 198,3 | 738,0 |

Тендерда иштирок этиш истаги бўлган сармоядорлар ариза ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисидаги билдиришномани тегишли тарзда тўлдириб ва имзолаб топширишлари лозим.

Ушбу ҳолда информацион меморандум тендерни ўтказиш қоидалари ва тендер таклифи шаклини ўз ичига олган тендер ҳужжатлари уларга тўлов амалга оширилганидан кейин ҳамда Давлат мулки қўмитасига тўлдирилган ва имзоланган ариза ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисидаги билдиришнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилганидан сўнг олиниши мумкин.

Тендер ҳужжатлари учун белгиланган тўловни Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг қуйидаги ҳисоб рақамларидан бирига ўтказиш лозим:

- валюта рақами 20203840500600289001;
- ҳисоб рақами 20203000600600289001,

«Ипак йўли» АИКБ, Тошкент шаҳри, Фарҳод кўчаси, 12-«А» уй.
ИНН 201122696, банк коди 00444, S.W.I.F.T. коди INIPUZ22.

**Тендер таклифлари 2008 йил 16 декабрь куни Тошкент вақти билан соат 16.00 да Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг мажлислар залида (5-қават) очилади.**

Тендер таклифларини ўрнатилган тартибда тақдим этган тендер қатнашчилари ёки уларнинг ишончли вакиллари тендер таклифларини очиш маросимида қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

**Тендер ўтказилиши билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича қуйидаги манзилларга мурожаат этишингизни сўраймиз:**

**«Tashkent Palace» МЧЖ ҚК бўйича:**

**Якка хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бюроси,**
**Ўзбекистан Республикаси, Тошкент шаҳри, 100003, «Ўзбекистон» шоҳ кўчаси, 55-уй,**
**Давлат мулки қўмитаси биноси, 17-қават.**
**Бош директор в. б.**
**Аҳмеджанов Халил Ҳакимжонович эътиборига.**
**Телефон: +998 (71) 259-22-51.**
**Факс: +998 (71) 259-22-79.**
**Эл. почта: ccpbuz@tps.uz**

**Ўзнефтгазқудуқтаъмирлаш» ОАЖ ва «Чимбай май» ОАЖ бўйича:**

**Корхоналарни хусусийлаштиришдан кейинги даврда қўллаб-қувватлаш бюроси,**
**Ўзбекистан Республикаси, Тошкент шаҳри, 100003, «Ўзбекистон» шоҳ кўчаси, 55-уй,**
**Давлат мулки қўмитаси биноси, 15-қават.**
**Бош директор**
**Набихонов Саъдуллахон Ҳамидуллахонович эътиборига.**
**Телефон: +998 (71) 259-22-23.**
**Факс: +998 (71) 259-21-42.**
**Эл. почта: eibb@tps.uz**

1732-1Я/1787

## Ҳуқуқини билган ютқазмайди

**Семинар**

Ҳуқуқий ахборотни излаш, топиш ва фойдаланиш ҳуқуқий хизмат кўрсатишнинг муҳим шартидир. Хоразм вилоятида ўтказилган семинар-машғулот ана шу масаланинг илмий ҳамда амалий ечимларига бағишланди.

Муҳокама қатнашчилари фан-техника ва технология тараққиёти юқори босқичга кўтарилган ҳозирги даврда зарур ҳуқуқий ахборотлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўл-йўриқларини атрофлича ўргандилар. Айни пайтда "LexUz" ахборот излаш тизимининг ўрни, роли, аҳамияти ва имкониятлари хусусида кўргазмали воситалар ёрдамида батафсил маълумотлар берилди.

Семинарда таъкидландики, амалдаги ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар мазмунини англашнинг ўзи кифоя қилмайди. Унинг мазмун-моҳияти ҳақида узил-кесил маълумот берувчи шарҳлар, қоидалар, низом ва йўриқномалар ҳам пухта ўрганилмоғи керак. Иш ва масалаларни қонунан ҳамда адолатли тарзда кўриб чиқиш ва ҳал этишда бу сингари ҳужжатларнинг аҳамияти беқиёс.

**С. АБДУЛЛАЕВ.**

### РКМБ Хоразм вилояти филиали маълум қилади!

**Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик судининг** 2007 йил 17 декабрдаги 1498н-сонли ижро варақасига асосан, Урганч шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, Урганч шаҳри, «Хонқа» кўчаси, 97-уйда жойлашган, «Урганч йўловчи ташиш» ОАЖга тегишли бўлган ошхона, ёрдамчи бинолар, захира сув сақлаш резервуари ўрнатилган бинолар ва асфальт майдони Урганч шаҳар суд ижрочилари бўлими суд ижрочисининг 2008 йил 10 ноябрдаги 3393/08-сонли хатига асосан аукцион савдосидан олинади.

1730R/1642

### Республика Кўчмас мулк биржаси 15 ёшда!

**РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ**
**АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ**

нархлари босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

**Аукцион савдосига Андижон вилояти хўжалик судининг 2006 йил 26 июндаги 17-0208-1401-сонли ҳал қилув қарори билан банкрот деб топилган ҳамда кредиторларнинг 2008 йил 23 октябрдаги 18-сонли йиғилиши қарорига асосан, «Андижон» ОАЖ тугатиш бошқарувчиси томонидан Андижон шаҳри, А. Мусаев кўчаси, 33-уйда жойлашган (собиқ консерва заводи) «Андижон» ОАЖнинг мол-мулклари мажмуаси қўйилмоқда.**

**Бошланғич баҳоси — 793 394 383 сўм.**

Таркибида 57 номдаги бино-иншоотлар, умумий қурилиш майдони — 18754,07 кв.м., 285 номдаги асбоб-ускуна ва жиҳозлар, 6 номдаги кўп йиллик дарахтлар, 2175,89 кв.м. асфальт майдони мавжуд.

Мулкий мажмуадаги мол-мулклар талон-тарож қилинмасдан, реконструкция қилиниб, ишлаб чиқаришни йўлга қўйган ҳолда, замон талабларига мос равишда ривожлантириш шартлари асосида сотилади.

Аукцион савдоси 2008 йил 19 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Шу куни мол-мулклар сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдоси 26 декабрь ҳамда 2009 йил 2 январь кунлари соат 11.00 да ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан 1 (бир) соат олдин тўхтатилади.

Мазкур савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 5 (беш) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчиси — РКМБ Андижон вилояти филиали «Асака» банкнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 22622000200571452003, МФО 00069, ИНН 200933850.

**Манзил: Андижон шаҳри,**
**Навоий шоҳ кўчаси, 30-уй.**
**Телефонлар: (8374) 224-48-53, 224-37-86.**

*Лицензия: DB 001 № 000004.*

1729R/1642

**РКМБ савдоларига ИШОНЧ доим мустаҳкам!**

**Shosh Invest Group**

предлагает со склада в г. Ташкенте!



Гусеничный экскаватор с удлиненной стрелой, V ковша — 0,5 м³, двигатель — Cummins



Гусеничный экскаватор, V ковша — 1 м³, двигатель — Cummins

ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН

**Тел. (998-71) 252-28-95.**

1705R/1794

ЎЗБЕКИСТОНГА КОНВЕКТОРЛАРНИ РАСМИЙ ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ —
**«УКРАИНА БИЗНЕС МАРКАЗИ» МЧЖ**

*Алоҳида ҳолда ИСИТИШнинг янгича ечими!*

**Газда ишлайдиган «АКОГ» иситиш конвектори:**

- *хонани тезда иситади;*
- *экологик тоза;*
- *белгиланган ҳароратни автоматик равишда бир маромда сақлайди;*
- *совуққа чидамли, сув, электр таъминоти ва газ босими ўзгариши унга таъсир кўрсатмайди;*
- *газни тежаб сарфлайди;*
- *бинолар, коттежлар, офислар, кафелар ва дала ҳовлидаги уйларни иситишда унинг ўрнини ҳеч нарса босолмайди.*

МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Тошкентдаги тел.: 242-84-64, 242-93-73, 158-85-75.
E-mail: ubcazia@rambler.ru
www.ubcazia.com

1674R/1750

ООО "Росагропромснаб" предлагает:

**СЧЕТЧИКИ ГАЗА**

ультразвуковые "Гобой-1"

**Цена - от 1 300 000 сум.**



| Ду, мм | Типоразмер | Мин. расход, Qмин, м³/час | Максим. расход, Qмин, м³/час |
|---|---|---|---|
| 25 | G10 | 0,16 | 16(25) |
| 40 | G25 | 0,40 | 40(65) |
| 65 | G65 | 1,00 | 100(160) |

На все поставляемые товары имеются сертификаты соответствия.
Гарантийный срок на продукцию - 12 месяцев со дня установки.
Отдельно предприятие поставляет фильтры различных диаметров.

**Т./ф.: 273-16-40, 276-91-87**
Адрес: г. Ташкент, Чиланзар, кв-л Ц, д. 6 (ор-р - перекресток "Шухрат")

Товар сертифицирован

**Завод TTEMZ** изготавливает и реализует:

**КРАН БАШЕННЫЙ КБ-403А**

предназначен для строительно-монтажных работ при возведении жилых и гражданских сборных сооружений и строительства многоэтажных зданий

- максимальная грузоподъёмность 8 т
- максимальная длина стрелы – 30 м (с кареткой)
- максимальная высота подъёма гор. – 41,5 м, наклонно – 57,5 м




**АВТОКРАНЫ:**




для производства монтажных и погрузочно-разгрузочных работ с обычными грузами на рассредоточенных объектах

**КС-3577 НА БАЗЕ ШАССИ МАЗ**
- максимальная грузоподъёмность – 14 т
- максимальная высота подъёма – 14,5 м

**КС-4574-1 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ**
- максимальная грузоподъёмность – 16 т
- максимальная высота подъёма – 22 м

**КС-55724 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ**
- максимальная грузоподъёмность – 25 т
- максимальная высота подъёма – 29 м (с гуськом)

ВОЗМОЖЕН МОНТАЖ НА ШАССИ ЗАКАЗЧИКА

Тел.: 269-15-33, 262-63-45, 187-52-05, ф. 262-39-66.
E-mail: toemz1@sarkor.uz www.ttemz-kran.uz




**КАФОЛАТ — 2 ЙИЛ.**

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.




Tel. 250-11-11



▼ Миллий дастур ниҳоллари

***— Ҳозирги вақтда маълум бир касбни мукаммал эгаллаган киши ҳаётда ўз ўрнини осон топади, — дейди Қарши тиббиёт коллежи ўқувчиси Н. Нуриддинова. — Болаликдан шифокор бўлишни орзу қилардим. Шунинг учун мактабни битиргач, ҳужжатларимни ҳеч иккиланмасдан тиббиёт коллежига топширдим. Ушбу ўқув масканида биз, ёшларнинг билим олишимиз, касб сир-асрорларидан воқиф бўлишимиз учун барча шарт-шароит бор. Билим маскани ўтган давр ичида тиббиёт муассасаларига ўттиз мингга яқин ўрта тиббиёт ходимларини етказиб берди.***

# ЭЪТИБОР ИЗЛАНИШГА УНДАЙДИ

Бугунги кунда ушбу тиббиёт коллежи эришган ютуқлар, моддий-техника базасининг мустаҳкамлиги, дарсларни ўқитиш технологиясининг юксаклиги билан вилоятда ўзига хос тажриба мактабига айланган.

— Юртбошимизнинг "Бизга битирувчилар эмас, мактаб таълими ва тарбиясини кўрган кишилар керак" деган сўзлари бизга юксак масъулият юклайди, — дейди коллеж директори Муҳаммади Тиловов. — Ўқувчиларнинг соҳага қизиқиши ва иқтидорига қараб коллежимизга қабул қилаяпмиз. Шунинг учун билим масканимизда тасодифан кириб қолган ёки кўр-кўрона шу соҳани танлаган ўқувчиларни учратмайсиз.

Маълумки, истиқлол берган имкониятлар туфайли ёшларимизнинг илм-фан чўққиларини эгаллашлари ва турли соҳаларда иқтидорларини намойиш қилишлари учун яратилган шарт-шароитлар тобора яхшиланиб бормоқда. Бу борада, айниқса, "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш ўрта махсус касб-ҳунар таълими ўқув муассасаларида таълим-тарбия жараёнини замон талаблари даражасида ташкил қилишни тақозо этаётир.

Тиббиёт коллежида, тегишли режага кўра, 48 та фан ўқитилади. Ушбу фанларни замонавий талаблар даражасида ўрганиш учун 71 та махсус жиҳозланган хона мавжуд. Кўргазмали жиҳоз ва ускуналарнинг 30-40 фоизи мураббийлар раҳбарлигида, тўгарак машғулотлари пайтида ўқувчиларнинг ўз қўллари билан тайёрланган.

Ўқувчи амалий машғулотларни асосан даволаш-профилактика муассасаларида ўтамоқда. Мазкур тиббиёт масканида бешта йўналиш бўйича мутахассислар тайёрланади.

Таълимнинг сифат ва самарадорлигини ошириш, ўқитувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, иш тажрибаларини оммалаштириш мақсадида "Йилнинг энг яхши касб-таълим ўқитувчиси", "Муносиб педагог", "Йилнинг энг яхши билимдон ўқувчиси", "Зукко ҳамшира" каби кўрик-танловлар мунтазам ўтказиб келинади.

2007-2008 ўқув йилида ўтказилган фан олимпиадаларида 18 нафар коллеж ўқувчиси фахрли ўринларга муносиб топилди. Шунингдек, коллеж спортчилари вилоят ва республика миқёсидаги бир қатор мусобақаларда иштирок этиб, олтин, кумуш ва бронза медалларини қўлга киритишган.

Кейинги йилларда коллеж ўқитувчилари С. Турсунов, С. Мустафоев, М. Тилововларнинг бир қанча китоблари чоп этилди. Янги педагогик технологияларни таълим тизимига жорий қилиш ва ўқитишнинг бошқа самарали усуллари бўйича семинар-тренинглар узлуксиз ўтказилмоқда.

Ҳар бир ўқув юртининг шаъни, шубҳасиз, тайёрланган мутахассисларнинг билими ва касбни қанчалик ўзлаштирганлиги билан боғлиқ. Шу маънода, ушбу коллежда таҳсил олганлар эл-юрт ишончини оқлаб, шифокорлик касбига муносиб бўлиб келмоқдалар.



**Абдураззоқ КАРИМОВ.**
**Жамшид НОРҚОБИЛОВ олган суратлар.**

---

Куни кеча пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги санъат саройида биринчи Миллий кино фестивали очилди. Унда таниқли ва ёш режиссёрлар суратга олган ўн етти фильм етти номинация бўйича беллашмоқда.

# МИЛЛИЙ КИНО ҲАФТАЛИГИ

Санъат

— Давлатимизнинг кинематография соҳасига юксак эътибори туфайли сўнгги йилларда миллий киносаноатимиз ривожланиш сари юз тутди, — дейди таниқли кинорежиссёр Жаҳонгир Қосимов. — Сўнгги икки йил ичида 68 та бадиий ва ҳужжатли фильм тасмага муҳрланди. Бугунги ижодкорлар орасида миллий киносаноатимиз тараққиётига ҳисса қўшишни ният қилган ёш режиссёрлар, кинодраматургларнинг ҳам борлиги қувонарли, албатта. Уларнинг тажриба алмашишлари, хорижлик ҳамкасблари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишларида мазкур анжуманнинг аҳамияти катта. Шу маънода, Миллий кино фестивали доирасида "Киновиза" Марказий Осиё киноижодкорларининг форуми ўтказилиши кўзда тутилган. Унинг дастурларидан янгича йўналишда яратилган, қизиқарли сюжетларга бой кўплаб хориж фильмлари жой олган. Қолаверса, "Киновиза" анжуманида кино санъатини ривожлантириш борасидаги долзарб масалалар юзасидан анжуманлар, талабалар учун давра суҳбатлари ўтказилади.

Шунингдек, биринчи Миллий кино фестивали доирасида ҳудудий видеофорумлар, видеоарт жанрида ижод қилаётган рассомларнинг кўргазмалари, мультипликацион фильмлар тақдимоти, ёш режиссёрларнинг илк қисқа метражли фильмлари намойиши ҳам бўлиб ўтади.

**Муборак ОХУНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

# КУРАШЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

***Доимо фахрланиб юрадиган, дунё тан олган урф-одатларимиз, қадриятларимиз кўп. Шулардан бири курашдир. У бугун беш қитъадаги 100 дан ортиқ халқларнинг севимли спорт турига айланиб улгурди.***

Ёшлар ўртасидаги 5-жаҳон чемпионати жорий йилнинг 12-16 ноябрь кунлари Туркиянинг Истанбул шаҳрида жойлашган «Bahcelievler Belediyesi» қўрғонидаги муҳташам спорт мажмуасида ўтказилди.

Бу галги беллашувларда дунёнинг жами элликка яқин мамлакатидан келган икки юз нафардан ортиқ ёш полвонлар медаллар учун кураш олиб бордилар.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, кураш бўйича халқаро мусобақалар йилдан-йилга иштирокчилар сони жиҳатидан ҳам, ташкиллаштирилиш савияси билан ҳам юксалиб бормоқда. Ишқибозлар полвонларнинг ҳар бир олишувини қўллаб-қувватлаб турдилар. «Bahcelievler Belediyesi» қўрғонидаги спорт мажмуаси кўринишидан пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" спорт саройига ўхшаб кетаркан.

▼ Фахр

— Кураш ўз жозибаси билан грецияликларнинг ҳам севимли спорт турига айланиб бормоқда, — дейди "Филипус" кураш клуби раҳбари Сурек Юшукян. — Биргина мен бошчилик қилаётган клубда 6-8 ёшлардаги йигирма нафар бола кураш сир-асрорларини ўрганмоқда.

Энди жаҳон чемпионати натижалари ҳақида. Бу сафарги беллашувларда ҳам Ватанимиз полвонлари асосий совринли ўринларга даъвогарлик қилишди. Жумладан, 73 килограмм вазнда гиламга чиққан ёш полвонимиз Яҳё Имомовнинг ҳаракатлари кўпчиликка манзур бўлди. У финалгача бўлган беллашувларда Ироқ, Исроил, Қозоғистон ва Эрон мамлакатлари полвонларини мағлубиятга учратди. Якунда эса япониялик курашчи Коичиро Янагини саноқли сонияларда енгиб, жаҳон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди. Курашчиларимиздан Баҳодир Ғаниев (81 кг.), Ширин Шарипов (100 кг.)лар ҳам жаҳон чемпионати олтин медалларини қўлга киритдилар. Болтабой Болтаев (+ 100 кг.), Бектош Сафаров (мутлақ вазн) кумуш, Давронбек Сатторов (66 кг.) бронза медаллари билан тақдирландилар.

Шунингдек, мўғулистонлик Г. Керлен (60 кг.), туркманистонлик Муҳаммад Темиров (66 кг.), Жанубий Африка Республикаси вакили Зак Пионтек (90 кг.), арманистонлик Артуш Микричян (+100 кг.) ва грузиялик Георгий Иадзе (мутлақ вазн)лар ҳам жаҳон чемпиони бўлишди.

Қизлар ўртасидаги баҳсларда туркиялик Сумейя Аккуш (52 кг.), мўғулистонлик Легваху Огирпурев (57 кг.), исроиллик Ҳофит Амрани (63 кг.), янги зеландиялик Моир Девиллэрс (70 кг.), марокашлик Рания Ҳилали (+70 кг.)лар олтин медаль соҳиби бўлишди. Юртдошларимиздан Шоҳида Назарова (52 кг.) ва Умида Матёқубова (63 кг.) бронза медаллари билан кифояланишди.

Ёшлар ўртасида ташкил этилган 5-жаҳон чемпионати кураш ер юзининг беш қитъасида жадаллик билан оммалашиб бораётганини яна бир бор исботлади. Чемпионатда Исроил, Польша, Греция, Марокаш, АҚШ, Франция, Венгрия, Туркия, Греция, Жанубий Африка Республикаси, Янги Зеландия, Мўғулистон, Япония, Грузия, Бразилия мамлакатлари полвонлари совриндорлар сафидан жой олганлиги фикримиз тасдиғидир.

Африка Олимпия қўмитаси раҳбари, Халқаро Олимпия қўмитаси вице-президенти ва Африка Кураш конфедерацияси фахрий президенти Лосанно Паленфо курашимизнинг дунё бўйича ривожига шундай баҳо берди:

— Курашнинг келаси йили Вьетнамда ёпиқ иншоотларда, Таиландда эса якка кураш спорт турлари бўйича ўтадиган Осиё ўйинлари дастуридан жой олганлиги мени ҳам руҳлантириб юборди, — деди Л. Паленфо. — Биз ҳозир ушбу спорт турини навбатдаги Африка ўйинлари дастурига ҳам расман киритиш устида иш олиб бораяпмиз.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

## МАДАНИЯТ хабарлари

**Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабаси, Зулфия мукофоти совриндори Гулбаҳор Ахимбетова яқинда "Ўзбегим ёшлари" гуруҳи таркибида Испанияда ўтказилган халқаро фольклор дасталари фестивалида қатнашиш бахтига муяссар бўлди.**

### Қорақалпоқ оҳанглари Испанияда

— Кўплаб давлатлар вакиллари иштирок этган фестивалнинг бир куни Қорақалпоқ маданияти кунларига бағишланди, мен бундан ғоятда фахрландим, — дейди Гулбаҳор ҳаяжонланиб. — Ўша кунги концерт дастуридан фақат қорақалпоқ оҳанглари жой эгаллаб, тингловчиларга завқ бағишлади.

### «Қимматга тушган муҳаббат»

**Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат мусиқали театрида машҳур француз адиби Марсель Маринье қаламига мансуб шу номдаги комедия намойиш этилди.**

Ёш ижодкор Азат Бекмуратов саҳналаштирган ушбу дебют асарда қаҳрамонларга Сексенбой, Муҳаббат, Кўпжурсин деган қорақалпоқча номлар берилган.

— Мен саҳнада кечаётган воқеаларнинг томошабинлар қалбига етиб бориб, уларнинг ҳаётидан мустаҳкам жой олишини истайман, — дейди режиссёр.

Унинг ушбу мақсадига қайсидир маънода эришгани комедия намойишига кўплаб томошабинлар ташриф буюраётгани ҳам кўрсатиб турибди.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

# КОМПЬЮТЕР ТАЪЛИМИДА ЯНГИ ҚАДАМ

***Яқинда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида халқаро Темпус дастури доирасида амалга оширилган "Ўзбекистон университетларида кимё фани ва табиатшуносликка йўналтирилган компьютер илми соҳасида магистрларни тайёрлаш" номли ТЕМПУС-COCUZ лойиҳаси (www. nuu. uz/cocuz)нинг якуний таҳлилларига бағишланган илмий-амалий анжуман ўтказилди.***

▼ Анжуман

Маълумки, компьютер технологияси тобора такомиллашмоқда. Жумладан, кимё соҳасига, табиатшунослик тадқиқотчилигига йўналтирилган компьютер илми бу тизим ривожида янги уфқларни очишга имконият яратиши шак-шубҳасиздир.

Уч йил муддатга мўлжалланган мазкур лойиҳа мамлакатимизда кимё, табиатшунослик таълими чуқур йўлга қўйилган Ўзбекистон Миллий университети (ЎзМУ)да ва Тошкент кимё-технология институтида 2006 йилда амалиётга жорий этилди. Лойиҳа ижросида уларга Австриянинг Вена университети, Германиянинг Мюнхен техника университети ҳамкорлик қилди.

Илмий-амалий анжуманда сўзга чиққан мамлакатимиздаги Германия элчихонаси вакили М. Новак, Ўзбекистон Миллий университети ректори F. Муҳамедов, лойиҳанинг европалик раҳбари Ф. Диккерт, австриялик мутахассислар А. Прянишникова, П.Либерзайт, лойиҳанинг маҳаллий мувофиқлаштирувчиларидан профессор М. Орипов ва бошқалар лойиҳа бўйича эришилган натижаларни атрофлича таҳлил этиб, келгуси вазифаларга ҳам эътибор қаратишди.

Анжуманда Темпус дастури миллий офиси мувофиқлаштирувчиси Азиза Абдураҳмонова ушбу халқаро дастур фаолиятидаги янгиликлар тўғрисида иштирокчиларга маълумот берди.

— Биз ТЕМПУС-СОСUZ дастури доирасида ўқув амалиётида бўлган Мюнхен техника университетида физика, кимё, бошқа табиатшунослик фанлари ҳамда амалий математика, компьютер технологияси бўйича таълим энг илғор замонавий даражаларда йўлга қўйилган, — деди биз билан суҳбатда ЎзМУ магистранти Азиз Холмуҳаммедов. — Ушбу нуфузли хорижий олий таълим марказида "Компьютерда зарар келтирувчи кодларни аниқлаш учун қўлланиладиган файлларнинг автоматик таҳлили" мавзусида магистрлик ишини олиб бордим. Бизга шу университетнинг профессори Х.Файц ва унинг ассистенти Й. Киндер ўзларининг қимматли илмий-амалий маслаҳатлари билан яқиндан кўмаклашдилар. Ишимда компьютерда ахборот хавфсизлигини таъминлашга доир илгари сурилган фикр ва хулосалар уларни мамнун этди. Магистрлик илмий ишимдаги қарашларим мамлакатимизда бу соҳа ишини такомиллаштиришга муносиб ҳисса бўлиб қўшилади, деган умиддаман.

**М. САФАРОВ.**

---

# «Азизлар анжумани»

Маънавият

"Ўзбекистон" нашриётида Нажмиддин Кубро, Паҳлавон Маҳмуд, Мирзо Абдулқодир Бедил, Мунис, Огаҳий сингари бир қатор улуғ бобокалонларимизнинг ғазал ва рубоийлари ўрин олган асар босмадан чиқди. "Азизлар анжумани" деб номланган ушбу китобдаги форсийдан таржималар шоир ва таржимон Матназар Абдулҳаким қаламига мансуб бўлиб, асарлар китобхонга равон тилда баён этилган.

**О. ЖУМАНИЁЗОВ.**

---




---

"Ўзэлтехсаноат" уюшмаси жамоаси маркетинг, ишлаб чиқариш, экспорт салоҳиятини ривожлантириш бошқармаси бош мутахассиси Акрам Умаровга волидаи муҳтарамаси

**ЗЕБИ аянинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

---

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети жамоаси физика факультети «Полимерлар физикаси» кафедрасининг доценти Раҳматилла Абдуллаевга онаси

**ОЙДИН аянинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

---

"ALOQALOYIHA" ДУК жамоаси корхонанинг собиқ ходими

**Генриэтта Матвеевна МИКЛИНАнинг**

вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

---

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректорати, касаба уюшмаси қўмитаси ҳамда ҳуқуқшунослик факультети жамоаси «Фуқаролик ҳуқуқи» кафедрасининг ўқитувчиси Хуршид Сиддиқовга падари бузруквори

**МАМАСИДДИҚ отанинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

---

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1056. 25557 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — Ф. Санаев.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.05 Топширилди — 22.20 8